

671(043.3)

К61

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Кўлёзма ҳуқуқига

ББК:65.9(5У)304.11 + 65.050

"Фақат хизмат доирасида фойдаланиш учун"

Қосимов Мухиддин Одилович

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда олтин ишлаб
чиқариш самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш

08.00.05. — «Менежмент» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2004

671(043.3)

1561

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Менежмент»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори
Рахимова Д. Н.

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Икрамов М.А.

Етакчи ташкилот:

Абу Райхон Беруний номидаги
Тошкент давлат техника университети

Диссертация 2004 йил «2» декабр соат 14³⁰ да
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.005.10.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш мажлисида
ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида
танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «29» октябр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод фанлари
номзоди, доцент

Абдулқосимов Ҳ.П.

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тизимида самарадорлик ва бошқарув масалалари тобора кўпроқ аҳамият қасб этмоқда. Айни даврда иқтисодий муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш учун эришилаётган тажриба ва ютуқларни умумлаштириш, айрим ўзини оқламаган бошқарув турларидан воз кечиш, бозор эҳтиёжларига ҳозиржавоблик билан мослаша олиш ҳаёт заруратига айланмоқда. Бу зарурат Ўзбекистонда рангли металлар, хусусан олтин ишлаб чиқариш саноатига ҳам тўлиқ равишда таалуқлидир.

Маълумки, олтин саноати мамлакат иқтисодиётгидаги муҳим ўрин тутиб, валюта тушумларини доимий таъминловчи асосий манбалардан ҳисобланади. Бу соҳа ҳам стратегик мақсадларни амалга оширишда таянч соҳалар сирасига мансубдир. Шу сабабли, олтин саноатини ривожлантириш масалалари мамлакат раҳбарияти ва тегишли иқтисодий тузилмаларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...биз учун иқтисодиётда аниқ мақсадларни кўзлаб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш стратегик аҳамиятта эга. Бу борада биз аниқ – равшан структура сиёсатини олиб боришимииз лозим. Ушбу сиёсат, аввало, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом ашё ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий – техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор»¹. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда рангли металлар ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланиш йўлига кириб бормоқда. Бу ривожланиш мамлакатнинг улкан табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш орқали миллий иқтисодиётни юксалтиришга олиб келувчи асосий омиллардан бири сифатида амал қиласди. Жаҳон ва мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги даврдаги хусусиятлари республика олтин саноати муаммоларини яхлит (комплекс) тарзда кўриб чиқиш ва уларни қулай (оптимал) йўл – усуllар билан ҳал этишини тақозо этмоқда.

Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналарда олтин ишлаб чиқаришнинг кўпайишини таъминламоқда. Шу билан бирга, ер ости усулида олтин қазиб олувчи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш мароми секинлашиб бориши кузатилмоқда. Бу – рудаларнинг қайта ишлаш хажмининг ошириб борилишига қарамасдан, рудалардаги фойдалари компонентлар таркибининг меъёрдан камлиги туфайли ҳам юзага келмоқда. Батзи бир олтин қазиб олинаётган майдонларда рудаларнинг таркиби режадаги

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – шировард мақсадимиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2000, 61 – 62 – бетлар.

кўрсаткичлардан анча пастлиги аниқланди. Бу каби ҳолатлар ер ости усулида олтин қазиб олиш корхоналари меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннархига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Муаммо шу билан ҳам чигаллашадики, конлар заҳираларидағи рудалар ва уларга алоқадор тоғ жинсларининг геологик тузилиши, минералогик таркиби ва бойитиш жараёнларидағи технологик хусусиятлари ҳам ҳозирча тўлиқ ўрганиб чиқилмаган.

Олтин ишлаб чиқариш саноатида ҳам миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби интеллектуал салоҳият, интеллектуал сармоя (капитал), инсон омили асосий ўринда туради. Таъкидаш жоизки, олтин қазиб олиш саноати узоқ йиллар мобайнида маҳфийлаштирилган соҳа бўлиб, маъмурий – буйруқбоззлик тизими бошқаришнинг барча жабҳаларида ҳукмон эди. Жамият нигоҳидан йироқда фаолият юритган ушбу соҳа камчиликлари, муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳам кўпчилик ҳолларда ҳал қиливчи кабинетлар деворидан ташқарига чиқмас эди.

Миллий истиқдол ва бозор иқтисодиёти шароитида бошқариш мафқураси тамомила янгиланиши, эскилик сарқитларининг барҳам топиши, мустақиллик тамойиллари асосида жаҳон андозаларига мос, иқтисодий муҳитда эркин ва ҳозиржавоблик билан амал қиливчи пухта бошқарув тизими шакллантирилиши лозим.

«Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ»², деб эътироф этган эди Президент И.А.Каримов. Демак, мамлакатимиз корхоналарининг жаҳон бозорларига кириб бориши, уларнинг экспортта йўналтирилган фаолияти самарадорлиги, унга таъсир этувчи иқтисодий – ижтимоий ва бозор конъюнктураси каби омилларни ўрганиш ҳам долзарб масала бўлиб турибди.

Мамлакатимизда очиқ ва ер ости усулида олтин қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарув тизимини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этиш, ўз – ўзини бошқариш, молиявий муносабатлар, антимонопол қонунларнинг бу соҳада амал қилиши хусусиятларини тадқиқ қилиш бутуннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Олтин саноатида янги технологияларни қўйлаш, соҳа учун тегишли бўлган замонавий инфратузилмаларни яратиш, қолаверса, айни пайтда, олтин ишлаб чиқарувчи корхоналарни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш каби масалалар соҳанинг муваффақиятли ривожланишига ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўсишини таъминловчи омиллар сирасига киради.

² Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993, 94 – бет.

Диссертация мавзусининг нечогли аҳамиятли ва долзарб эканлиги ана шу юқорида келтирилган муаммолар тавсифи билан изоҳланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодий самарадорлик муаммоларини таҳлил қилишига бағишлиланган илмий тадқиқотлар кўпайиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислоҳотларни ўрганиш, ишлаб чиқариш тармоқларида иқтисодий – ижтимоий, илмий – техник, ташкилий – бошқарув муносабатларини илмий таҳлил қилишига бағишлиланган фундаментал тадқиқотлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлиги ва ташаббуси билан бозор иқтисодиётининг турли томонларини муваффақиятли тадқиқ этаётган янги ўзбек иқтисодиёт мактаби шаклланди. Қ.Абдураҳмонов, С.Гуломов, Ш.Зайнутдинов, Ё.Абдуллаев, М.Шарифхўжаев, М.Икрамов, Э.Набиев, А.Пардаев, Д.Рахимова, З.Солихов, Н. Мўминов, А.Холбеков, Ҳ.Абулқосимов, С.Хошимов каби олимларимизнинг илмий тадқиқотлари ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг турли жиҳатларини мукаммал ўрганишига бағишлиланганини билан диққатга сазовордир. Кончилик саноати самарадорлиги масалалари С.И.Лутин, С.С.Дзарасов, П.С.Мстиславский, Л.Я.Берди, С.А.Хейнман сингари чет эл олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу ишларда муҳим илмий – амалий тавсиялар мавжуд.

Бироқ, бошқарув тизимининг олтин ишлаб чиқариш саноати самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантиришга таъсири масалаларига бағишлиланган ва комплекс ёндошилган илмий ишлар деярли амалга оширилмаган.

Республикамизда олтин қазиб олиш саноати иқтисодий самарадорлигини оширишнинг айрим муаммолари иқтисодчи олим А.Қ.Қаххоров томонидан ўрганилган. Диссертацияни тайёрлашда юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг ишлари таҳлил қилинди ҳамда танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатимизнинг олтин ишлаб чиқарувчи корхоналарида бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мавжуд бошқарув тизимини такомиллаштириб бориш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишидан иборатdir.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди:

- жаҳоннинг қимматбаҳо metallлар бозорларининг ҳозирги ҳолатини ва улардаги бошқарув жараёнларини таҳлил қилиш;

- олтин ишлаб чиқариш саноатида бошқаришнинг назарий – амалий жиҳатларини ўрганиши, иқтисодий самарадорлигини таҳдил қилиш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

- бозор иқтисодиёти шароитида олтин қазиб олиш саноатида бошқарув тизими ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- олтин ишлаб чиқариш саноатида бошқарувни бозор концепциялари асосида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини назарий ва методологик жиҳатдан асослаш.

Тадқиқот предмети олтин қазиб олиш ва уни қайта ишлаш жараёнларини бошқариш ва самарадорлигини ошириш соҳасида замонавий менежментни шакллаштиришнинг назарий муаммоларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот объекти Ўзбекистонда рангли ва қимматбаҳо металлар, хусусан олтин ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарув тизими ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолиятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Қонуnlари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, шунингдек, Халқаро Валюта Фонди, Лондон металлар биржаси, Ўзбекистон давлат геология қўмитаси, Ўзолмосолтин ўюшмаси, Олмалиқ кон – металургия комбинати (ОКМК) ва Навоий кон – металургия комбинати (НКМК) маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Мавзуни ёритишда Президент И.А. Каримов асарларида иқтисодиётнинг базавий тармокларини ривожлантириш, хорижий инвестицияларнинг юртимизга жалб этишни рағбатлантириш ва фаоллаштириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар хажмини қўпайтириш бўйича илгари сурган foялари, илмий – амалий тавсиялари ҳамда мавзуга оид хорижий ва республикамиз олимларининг тадқиқотлари муҳим асос ва қўлланма вазифасини бажарди.

Тадқиқот методи. Илмий изланишда иқтисодий, илмий – мантикий, статистик таҳдил, ўзаро тақослаш, индукция ва дедукция усули ҳамда ахборотни қайта ишлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагиларда ўз ифодасини топган:

– жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг олтин ишлаб чиқариш масалалари бўйича ижобий тажрибалари умумлаштирилиб, шу асосда республикамиздаги олтин қазиб олувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

– олтин ишлаб чиқаришни бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий – иқтисодий жиҳатлари назарий

асосланган; олтин ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш босқичлари ёритилган; кончиллик саноатида раҳбарнинг бошқарув субъекти сифатида баҳолаш мезони аниқлаб берилган;

– олтин ишлаб чиқариш саноати ҳолатини таҳлили орқали бошқариш тизимини бозор талабларига мувофиқ такомиллаштириш йўллари белгиланган ва бошқарувнинг янги усулларга ўтиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

– олтин қазиб олиш саноатига чет эл инвестицияларини жалб этиш самарадорлиги ўрганилиб, замонавий технологик линияларни қазиб олиш саноатида, жумладан, Мурунтов кони ва «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонасида қўллаш жараёни ўрганилган. Ўзбекистон олтин қазиб олиш саноатига чет эл инвестицияларини жалб этиш ва саноатни ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда баён қилинган асосий назарий ва амалий тавсиялардан амалиётда фойдаланиш Республикада қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқаришда самарадорликни сезиларли тарзда ошириш, ишлаб чиқаришнинг бошқариш тизимини такомиллаштириш, фойдали қазилмаларидан оқилона, унумли фойдаланиш имкониятларини яратади. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан Республикада ер ости ва очиқ усулларда олтин қазиб олиш ҳамда қайта ишлашга ихтинослашган корхоналар самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти» фанини ўқитишида, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодчи мутахассис бакалавр, магистрлар тайёрлашда ўқитилаётган «Корхона ва тармоқлар иқтисодиёті» ва Тошкент давлат техника университетининг кончиллик курсларида ўтказилган тадқиқотнинг натижаларидан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги. Тадқиқот ишининг натижаларидан ва унда ишлаб чиқилган айрим таклиф ва тавсиялардан Олмалиқ кон металлургия комбинати қошидаги «Кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув маркази»да фойдаланиш учун қабул қилинган (маълумотнома № 29 – 902).

Тадқиқот натижаларининг синовдан ва муҳокамадан ўтказилганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультетида (1999 йил январ) ўтказилган семинарда, Фарғона давлат университетида «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт ва маънавиятнинг алоқадорлиги» мавзусидаги (1999 йил октябр) Республика илмий – амалий конференциясида, Олмалиқ шаҳрида

бўлиб ўтган (2002 йил 19 апрел) «Олмалиқда фан ва ҳудуднинг ривожланиш истиқболлари» илмий анжуманида ҳамда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шахридаги филиалида ўтказилган «Плеханов ўқишлари» (2002 йил 27 апрел), (2003 йил 26 апрел) анжуманларида, Олмалиқда «Фан ва кон – металургия саноати кадрлари» (2004 йил 30 апрель) илмий анжуманидаги маъruzаларда муҳокама қилинган ва амалий синовлардан ўтказилган. Шунингдек, Тошкент молия институти «Менежмент ва ҳуқуқ» кафедрасининг 2002 йил 17 декабрда ўтказилган илмий семинарида, 2003 йил 14 январда Тошкент давлат техника университети «Саноат менежменти ва маркетинги» кафедрасининг илмий семинарида ҳамда 2003 йил 6 июняда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича илмий семинарларда мазкур тадқиқот иши муҳокамалардан ўтган ва ижобий маъқулланган.

Нашр қилинган илмий ишлар. Тадқиқот бўйича 9 та мақола, жумладан, 1 таси чет энда босилган ва 2 та тезис илмий анжуманларда оммалаштирилган ҳамда тўпламларда нашр этилган.

Тадқиқот ишининг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация матни 144 бетдан иборат бўлиб, унда 11та расм, 19та жадвал ҳамда 4 илова ўз ифодасини топган.

2. Диссертациянинг асосий мазмуни

Иқтисодий муомала воситаси ҳисобланган олтин – жаҳондаги мавжуд давлатларнинг мустақиллигини, уларнинг куч – қудратини ва беқарорликдан ҳимоя қилишин таъминлайдиган омиллардан бири сифатида амал қиласди. Олтиннинг ижтимоий – иқтисодий ҳодиса сифатидаги моҳиятини иқтисодиёт назариясида тўпланган бой илмий ёндошувларни таҳлил этиш асосида ўрганишни тақозо этади.

Олтиннинг моҳияти ҳақида ғарб иқтисодиётида XVI – XVII асрларда юзага келган назарияларни умумлаштириш ва қиёсий таҳлил қилиш натижасида, унинг ички моҳиятини очиб берувчи металлистик, номиналистик ва миқдорийлик каби йўналишларга эътибор қаратиш лозим.


Диссертацияда ана шу назарияларнинг асосий ғоялари атрофлича таҳлил этиш асосида олтиннинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти очиб берилган.

Бизнинг фикримизча, олтин алоҳида товар мақомига эга бўлиб, бошқа барча товарларнинг қийматини ўзида ифода этадиган иқтисодий категория сифатида амал қиласди.

Диссертацияда олтиннинг бошқа товарлар каби асосий иккита хусусияти эътироф этиб ўтилган: биринчидан, у алоҳида товар сифатида бошқа товарлар сингари ўз қийматига эгалик қилса, иккинчи тарафдан у нафлийка, яъни истеъмол қийматига ҳам эгадир. Унинг истеъмол қиймати умумэътироф этилган эквивалент сифатида бошқа исталган (моддий, материал ва ҳ.к) товарга алмаштириш мумкинлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот ишида жаҳондаги етакчи олтин ишлаб чиқарувчи Жанубий Африка Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Австралия ва бошқа давлатларнинг соҳа бошқарувига тегишли ижобий тажрибалари ўрганилди, таҳлил ва тадқиқ қилинди. Пировардида, мамлакатимиз олтин саноатини ривожланишини рағбатлантирадиган, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Жаҳоннинг қимматбаҳо металлар бозорларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида шуни эътироф этиш мумкинки, қимматбаҳо металлар бозорининг асосий бўлимини олтин бозори ташкил этади. Дунёда 50 дан зиёд олтин бозори мавжуд бўлиб, шулардан 11 таси Европада, 19 таси Осиё давлатларида, 14 таси АҚШда ва 8 таси Африкада жойлашган. XX асрнинг сўнгти йиллари ҳамда XXI асрнинг илк йилларида олтиннинг Лондон бозоридаги нархи қуида ифодаланган:

1 – чизмада. Олтиннинг 1993–2004 йилларда Лондон бозоридаги нархи³



1 – чизмада олтин нархининг ўзгариб бориши динамикаси акс эттирилган бўлиб, 1996 йил бошларида олтинга бўлган нархларнинг 417 долларгача еттан пайти энг юқори ҳолат эканлигини кузатиш мумкин, лекин 1999 йилга келиб унинг 1 троя унцияси 260 долларгача пасайган⁴. 2001 йилдан бошлаб эса олтинга бўлган

³ Чизма «Эксперт» журнали, №19, 2002 йил, ва «Ўзбекистон овози» рўзномаси, №75, 2002 йил 15 июн ва «BBC» телекомпанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁴ 1 троя унцияси 31,1034807 грамм.

нархлар аста – секин күтарила бошлади ва бундай ҳолат бугунги кунгача давом этиб, 2004 йилнинг октябр ойида унинг 1 троя унцияси Лондон бозорида 410 долларни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда республикамизда 48 дан ортиқ қимматбаҳо металлар конлари мавжуд бўлиб, шулардан 39 тасини олтин конлари ташкил этади. Асосий олтин заҳиралари Марказий Қизилқумда жойлашган бўлиб, мамлакатимиз олтин заҳиралари бўйича дунёда тўргинчи, уни ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўнликдан ўрин олган ва бу соҳада катта имкониятларга эгадир. Ўзбекистонда олтин қазиб олувчи ва бошқа қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқа давлатта ўз маҳсулотини экспорт қилиш имкониятлари жаҳон бозорларининг ҳозирги ҳолати ва уларнинг келажакдаги ривожига боғлиқдир.

Тадқиқот ишида олтин ишлаб чиқариш самараదорлиги кўп жиҳатдан уни интенсив ривожлантириш, яъни замонавий фан – техника ютуқларини жорий этиш, амалдаги қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкинлиги таъкидланади.

Олтин ишлаб чиқариш саноати самараదорлигини оширишга қўйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатиши мумкин:

Биринчидан, олтин қазиши, бойитиш ва металлургик қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш самараదорлиги даражасини оширишга ўша минтақа ёки худуддаги мавжуд табиий шарт – шароитлар самараదорликни аниқловчи омиллардан бири бўлиши мумкин;

Иккинчидан, минерал хом ашёларнинг жойлашиши, (қазилмаларнинг шакли ва тузилиши, чуқурлиги, сувалиги, аралашма жинсларнинг мавжудлиги ва уларнинг қай даражада мустаҳкамлиги), унинг қандай (очик ёки ер ости) усулда қазиб олинишига боғлиқ бўлиши, фойдаланилаётган асбоб ускуналар, жиҳозлар қуввати ва характеристики ҳам ишлаб чиқариш самараదорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади;

Учинчидан, рангли металлургияда, рудаларнинг таркибидағи рангли ва ноёб металлар, фойдали ва зарарли аралашмалар ва минералогик таркибларнинг мавжуд бўлиши ҳам ишлаб чиқариш самараదорлигини оширувчи омиллар сирасига киради;

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш самараదорлигини ошириш меҳнат қуролларининг техникавий даражасига, ишлаб чиқаришда илғор технологик жараёнларнинг боришига, автоматлаштириш ва механизациялаштириш даражасига боғлиқ.

Техника ва технологияларнинг юксалиши ва техника тараққиёти ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этишни талаб қилмоқда. Ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланиш учун меҳнатни ва ишлаб чиқаришни замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш зарурати юзага келмоқда.

Бизнинг фикримизча, төг-кон ишларида меҳнатни ташкил этишнинг энг самарали шакли бу-бир вақтнинг ўзида төг ишларига мансуб барча тайёргарлик, қулатиш, юклаш, маҳкамалаш каби ишларни бажарувчи комплекс бригадалар шаклидир. Меҳнатнинг бундай шаклда ташкил этилиши 1 тонна қазиб олинган төг жинсига сарфланган харажатларнинг учдан бирини камайтиришга асос бўлади.

Ишчи ва ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасида моддий манфаатдорлигининг ошиши эса ишлаб чиқариш самараадорлигини оширишнинг иқтисодий омилларини ташкил этади.


Ишлаб чиқариш самараадорлигини оширувчи ижтимоий омиллар мажмую кадрларнинг маданий – техник, маънавий – сиёсий етуклиги, меҳнатга маънавий рағбатлантириш, корхонанинг жойлашиши, меҳнат интизоми, ишчи ва ходимларга яратилаётган иш ва маиший шароитлардан иборатdir.

Саноатнинг ички ишлаб чиқариш омиллари – ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасига, корхоналарнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятига, моддий ва энергия ресурсларини иқтисод қилишга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фонdlардан унумли фойдаланиш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни самарали ташкил этишга, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқаришга сарфланадиган харажатларнинг тежалишига, ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган харажатлар ва сарфларнинг тутатилишига бевосита боғлиқdir.

Тадқиқот ишида бошқарувнинг ташкилий фаолияти ва у орқали самараадорликни оширишга фаол таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Дунё иқтисодиёти ва бошқарув фанининг самараадорлигини оширишга (айниқса XXаср бошларида) ўз хиссаларини қўшган олимлар сирасига: Эли Уитни, Чарльз Беббидж, Фредерик Тейлор, Анри Файлол, Генри Форд, Френк ва Зиллан Гилберт, Генри Гарт, Мэри Паркер Фоллет ва бошқалар киради. МДҲ давлатлари, шунингдек, Ўзбекистон олимларининг илмий изланишларида ва чоп этилаётган иқтисодий адабиётларда бошқарув муаммоларига ўз муносабатларини билдиromoқдалар. Масалан, бошқарув соҳасида чет эл олимларидан М.Мескон, Д.Бодди, Россия олимларидан В.Гречикова, Р.Фатхудинов самарали бошқарув муаммоларини ўргангандар. Ўзбекистон олимлари академик С.С.Гуломов, М.Ш Шарифхўжаев, профессорлар Ё.А.Абдуллаев, К.Х.Абдураҳмонов, Ш.Н.Зайнутдинов ва бошқа кўпгина олимлар самарали менежмент муаммоларининг қатор жиҳатларига ўз илмий ишларида катта эътибор қараттганлар. Уларнинг бошқарув тўғрисидаги илмий қарашларини қиёсий таҳлил этиш асосида муаллифнинг ёндашуви ишлаб чиқида.

Бизнинг назаримизда, бошқарув – бу ташкилий фаолият тури бўлиб, янги лойиҳаларнинг ишланиши, ташкилот тараққиётининг тактикаси ва стратегияси, шунингдек, ҳар томонлама ва аниқ таҳлил қилиш унинг ўзагини ташкил этади. Унда эгилувчан ва удабурон тизим мавжуд бўлиб, вактида қайта тузилиш, бозор конъюнктураси ҳамда рақобат курашини, ижтимоий тараққиёт омилини зийраклик билан сеза олиш қобилияти мавжуддир.

Олтин ишлаб чиқариш соҳасида бошқарув самараదорлигини аниқлаш жараёнида асосий эътибор олтин ишлаб чиқарувчи корхоналар самараదорлигига эмас, балки соҳа бошқаруви меҳнати ва функциялари самараదорлигига қаратилади (2 – чизмага қаранг). **2-чизма. Олтин ишлаб чиқариш саноатида бошқарув ресурслари ва самаралариси⁵**



Бошқарув меҳнати самараదорлигининг мезонини эришилган самарани бошқарув меҳнати учун сарф этилган харажатлар нисбати орқали аниқлаш мумкин.

Бошқарув харажатларини эса унинг барча функцияларини бажариш учун сарф қилинган харажатлар ташкил этади. Олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари бошқарув субъекти фаолиятини тавсифлаш учун қуйидаги самараదорлик мезонларидан фойдаланилади:

⁵ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- бошқариш девони харажатларининг камайиши бошқарувчи тизим самарадорлигининг иқтисодий мезони бўлиши мумкин. Яъни, бошқарув штатларининг малакали мутахассислар эвазига қисқариши – иш ҳақи фондини тежаш билан бир қаторда маҳсулот танирхининг пасайишини таъминлайди; бошқарувда хизмат сафарларининг камайиши ва бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни тежамкорлик асосида ташкил этиш ҳам бошқарув самарадорлигини ошириш мезонларидандир;

- бошқарув тизимида меҳнатни тежаш мезони – ишлаб чиқаришда автоматлаштириш ва механизациялаш ишларини жорий этиш эвазига кўп куч талаб қиласидиган меҳнат жараёнларини қисқартириш ва меҳнатдан унумли фойдаланиш, тезкор фаолият юргизиш учун бошқарув меҳнатини компютерлаштиришда намоён бўлади;

- бошқарув жараёнларида вақтни тежаш мезони – маълумотлар олиш ва уларни қайта ишлашга сарфланадиган вақтни қисқартириш; бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалда жорий этиш вақтини қисқартириш; бошқарув фаолиятида назорат қилиш функциясига кузатиш системаларини жорий этиш ва шу каби мезонлар бошқариш самарадорлигини оширишга етарли даражада замин яратади.

Олтин ишлаб чиқариш бошқарув самарадорлиги ўзига хос мураккаб жараён бўлганилиги туфайли уни аниқ ифодалаш учун икки гуруҳ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

- биринчиси, миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, бошқарув фаолиятида жонли меҳнатни, молиявий ресурсларни, бошқариш учун сарфланган вақтнинг тежалишини ўзида мужасамлаштирган кўрсаткичлар сирасидан иборат;


- иккинчиси, сифат кўрсаткичларини ташкил этиб, бошқарувнинг ижтимоий самарадорлигини, яъни бошқарув девони ходимларининг малакаси даражасини, бошқаришнинг илмий – техник даражасини, ундаги ўзаро боғланиш самарадорлигини ифода этувчи кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради.

Қайд этилган кўрсаткичлар маълум бир даврда эришилган ҳақиқий кўрсаткичларни режа ёки меъёрдаги кўрсаткичлар ҳамда эришилган кўрсаткичларни ўтган даврлар кўрсаткичлари билан таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Бугунги кунда олтин ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиш жараёни нафақат интенсив ёки экстенсив ўйл билан амалга оширилади. Аслида, бу соҳа ҳай босқичга этишишидан қатъий назар, техник юксалиш, қайта қуролланиш ва янги ишлаб чиқариш учун маблағ ажратиб боришни талаб этади. Демак, соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун интенсив ва экстенсив ривожланиш жараёнларидан фойдаланишни талаб этади.

Лекин соҳанинг ривожланиш самарадорлигини ҳисоблашда ривожланишининг интенсив жараёни устун туради.

3- Чизма. Ўзбекистонда қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш самарадорлигини ошириш босқичлари⁶



⁶ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда қимматбаҳо ва рангли металларни экспортга йўналтириш самарадорлигини ошириш, минерал ҳом ашёлардан оқилона фойдаланиш, бу борада фаолият кўрсатаётган ихтисослашган корхоналарнинг бошқаруви вазифалари муаллиф томонидан аниқланган ҳамда Республикаизда қимматбаҳо ва рангли металлар қазиб олувчи ва қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда иктиносидий самарадорликни ошириш босқичлари ишлаб чиқилган ва 3 – чизмада ўз ифодасини топган.

Ундаги стратегик вазифаларни амалда жорий этиш, бизнинг назаримиизда, маҳсус ривожланиш дастурини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бу дастур жаҳон бозорларида қимматбаҳо ва рангли металларга бўлган талаб ва таклифни, қазиб олиш ва қайта ишлаш комплекслари фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташки шарт – шароитларни инобатта олган ҳолда муайян тадбирларни режалаштириш орқали амалга оширилади. Дастур икки босқичдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқdir:

1 – босқич – рудалар қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарнинг вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:


- рудаларни очиқ усулда қазиб олиш салмоғини ошириб бориш;
- маҳсулот таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаш;
- ишлаб чиқаришда юқори унумли замонавий техника ва технологияларни қўллаш ҳамда атроф – муҳит муҳофазасини таъминлаш;
- минерал ҳом ашёлардан комплекс фойдаланишга оид илмий – тадқиқот ишларини олиб бориш.

2 – босқич – қимматбаҳо ва рангли металларни экспортга йўналтириш самарадорлигини ошириш, яъни:

- қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқаришни халқаро талаблар даражасида ташкил этиш ҳамда маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириб бориш;
- қимматбаҳо металларни жаҳон бозорларида сотишдан валюта тушумларининг салмоғини кўпайтириб бориш;
- янги турдаги маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, турли хилдаги манзарали ва ноёб буюмлар, тангалар зарб этиш ва х.к) ишлаб чиқариш ассортиментини кенгайтириш йўли билан янги хорижий бозорларни ўзлаштириш каби тадбирлардан иборат.

Диссертацияда олтин ишлаб чиқариш саноатида раҳбар ходимнинг ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнига қанчалик таъсир кўрсатиши мумкинлиги ва бу йўналишда замон талабларидан келиб чиқиб, раҳбар ходимга хос бўлган хусусиятлар ўрганилиб чиқилди.

4-чизма. Кон-саноатида раҳбарни раҳбар сифатида баҳолаш мезони модели⁷



Тадқиқот ишида Ўзбекистонда олтин қазиб олишнинг замонавий ҳолати ҳамда қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг бошқарув фаолияти таҳдил этилган. Ўзбекистонда олтин қазиб оловчи корхоналар шартни равишда икки худудга бўлинган бўлиб, унга мувофиқ шарқий Ўзбекистонда Олмалиқ кон – металлургия комбинати комплексига бириткирилган олтин конлари, гарбий Ўзбекистонда эса асосий олтин конлари Навоий кон – металлургия комбинати комплексларига бириткирилган ҳолатда ўрганилган. Республиканинг ғарбида жойлашган Мурунтов кони жаҳон андозасидаги конлар қаторидан ўрин олган ва қарийб 35 йилдан бўён ушбу кондан олтинrudалари қазиб олинимоқда. Замонавий фан ва техника тараққиёти ютуқлари Мурунтов конида мужассамлашган бўлиб, 500 метр чуқурликкачаrudаларинг қай тарзда ва қандай таркибда эканлигини компютерда аниқлаш имконияти яратилган⁸. АҚШнинг «Integra Group» фирмаси кашф эттан автоматлашган назорат GPS системаси карьеरда олиб борилётган қазиш ва руда ташиш ишларини сунъий йўлдошлар ёрдамида кузатиш орқали амалга оширади. Бундай системаларни ишлаб чиқаришга жалб этиш –

⁷ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Металлы евразии. Международный промышленный журнал, №3, 1999. – 86 с.

бошқарув тизимида тезкор қарорлар қабул қилипца ниҳоятда самарали эканлиги амалий фаолиятда ўз исботини топмоқда.

Диссертацияда олтин ишлаб чиқариш саноатига чет эл инвестицияларини жалб этиш самарадорлиги ўрганилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида олтин ишлаб чиқариш корхона – ларининг 2010 йилгача ва ундан кейинги даврларда ривожланиш истиқболлари, шунингдек, соҳа самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

3. Хулоса ва таклифлар

Муаллиф томонидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида олтин ишлаб чиқариш саноати корхоналари фаолиятида самарадорликни ошириш ва бошқарувни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Жаҳонда олтин қазиб олишнинг ўрни, уни ривожлантириш муаммолари ҳамда олтиннинг жаҳон бозорларидағи нархини таҳлил этиш асосида таъкидлаш мумкинки, олтинни бошқа давлатларга экспорт қилиш имкониятлари жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги ривожига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Етакчи олтин қазиб олувчи давлатларда бошқарув жараёнларини ўрганиб чиқиш шундан далолат берадики, бошқарув тизими инновацияси олтин саноатида бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ҳал қиувчи омиллар сирасига киради.

2. Олтин ишлаб чиқарувчи илгор тажрибали давлатларда фирмалараро алоқаларнинг кенгайиши натижасида ишлаб чиқаришни катта миқёсда бошқарадиган янги бошқарув тури вужудга келганлиги аниқланган. Бундай бошқарув – техника ва технологияларнинг юксалишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, меҳнат шароитларининг яхшиланишига, ишчи ва ходимлар касбий маҳоратининг ўсишига, самарали глобаллашув эвазига бозорларнинг кенгайишига ҳамда атроф мұхит мұхофазасига қулай шарт – шароитлар яратиб беради;

3. Олтин ишлаб чиқариш саноати самарадорлигини ошириш ва бошқарувнинг ташкилий фаолиятини такомиллаштириш мақсадида фойдали қазилмалар аниқланган жойларда кичик олтин қазиб олиш корхоналарини ташкил этиш эвазига янги иш жойларини яратиш ва маҳсулот бирлигига кетган харажатларни камайтириш мақсадида туман (район) типидаги кўчма олтин чиқариб олувчи фабрикалар ташкил этишини кенг амалга ошириш лозим. Унда ҳозирда мавжуд қазиб олиш технологиялари, ташиб, бойитиш ва қайта ишлаш каби жараёнларни рудалар таркибида олтин миқдорининг камайиб бориши шароитларида такомиллаштириб бориш кўзда тутилиши керак.

4. Мамлакатимизнинг халқаро бозорларда тутган мавқеини ошириш ва олтин саноатини сабитқадам ривожланишини кўзлаб Ўзбекистонда қимматбаҳо ва рангли металлар билан операцияларни амалга оширувчи маҳсус ваколатли банклар ташкил этиш таклифи киритилди. Бунинг учун:

- Республикада инвесторлик фаолиятини тартибга солувчи ҳукумат қарори, Марказий банк йўриқномасини ишлаб чиқиши;
- олтин қўймали инвестицион тангаларни муомалага чиқариш;
- олтин тангалар билан операциялар ўтказиш учун республика тижорат банклари иштирокида «олтин биржаси» ни ташкил этиш;
- биржа хизматларига керакли фойз миқдори белгиланиб, қолганларини эса олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўналишига, жумладан, кичик қазиб олувчи корхоналар ташкил этиш йўналишларига сафарбар этиш лозим.

5. Бошқарув фанининг ривожланиш жараёnlари ўрганиб чиқиуди ва бу ҳақда чет эллик ва республикамиз олимларининг иммий қарашлари, олтин ишлаб чиқариш саноатида бошқаришнинг назарий – амалий жиҳатлари ўрганилди. Бошқарувнинг ташкилий фаолияти самарадорлигини ошириш ва саноатни ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилди;

- Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш босқичлари ва кон саноатида раҳбарнинг бошқарув субъекти сифатида баҳолаш мезони асосланди;

- Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати таҳлил этилиб, асосий олтин конлар шартли равишда мамлакатимизнинг гарбий ва шарқий ҳудудларига бўлинган ҳолда ўрганилди.

6. Бозор иқтисодиёти шароитида саноатда қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқариш фаолияти ўрганилди, жумладан, Олмалиқ кон – металлургия комбинатининг хусусийлаштириш жараёнини таҳлил қилиш натижасида қўйидаги таклифлар киритилди:

Комбинатни хусусийлаштириш жараёни икки босқичда амалга оширилмоғи даркор:

- биринчи босқичда конларда рудалар қазиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмини кўпайтириш ҳамда тайёр заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни жорий этиш. Бу туфайли ҳар бир акциянинг фойда нормаси жозибадорлигини оширишга эришиш;

- иккинчи босқичда эса комбинат ишлаб чиқсан инвестицион лойихаларга мувофиқ 46,5% акциялар пакетини чет эл қимматбаҳо қоғозлар бозорларида эркин сотувга қўйилишини амалга ошириш.

Бу икки босқич мақсадларига эришиш учун қуийдаги тадбирларни амалга оширмоқ лозим:

- хусусийлаштириш жараёнини рүёбга чиқариш йўналишида ўзларининг саъй-ҳаракатлари ва молиявий ресурсларини бирлаштирган икки ёки учта компанияларнинг консорциумини жорий этиш;

- давлатнинг (51%) улушкини матъум муддатта ишончли бошқарув консорциумига топшириш (мисол учун 25 йил даврга учта компаниянинг бирига);

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни, қисман бўлса – да, марказлаштирилган экспорт орқали сотищдан озод этиш;

- комбинат корхоналарини таъмирлаш ва техник қайта қуроллантириш ишлари олиб борилаётган муддатларда солиқ соҳасида имтиёзлар яратиб бериш;

- комбинат иҳтиёридаги коммунал хўжалик ва ижтимоий – маданий объектларни махаллий ҳокимликлар ваколатларига топшириш ва ҳ.к.

7. Саноат корхоналарини минерал хом ашёлар билан мунтазам таъминлаш мақсадида олиб борилаёттан геологик қидирив ишларининг сифатини доимий равишда юксалтириб бориш, олтин заҳираларини кўпайтиришда асосий эътиборни олтин ажратиш фабрикалари мавжуд районларда амалга ошириш лозим, унда:

- узоқ муддатта етадиган заҳираларни топишга йўналирилган қидирив ишларини кучайтириш;

- жаҳон бозорларида инвесторларни қизиқтираётган нодир metallар хом ашё базасини яратиш;

- фойдали қазилма конларини чет эл инвестициялари иштироқида ишлаб чиқаришга жалб этиш йўналишларини юксалтириш таклифи киритилди.

8. Ўзбекистонда олтин қазиб олиш саноатига чет эл инвестицияларини жалб этиш самарадорлиги ўрганилиб, замонавий технологик линияларни Мурунтов конида қўллаш жараёнини кўриб чиқиш асосида уларни саноатнинг бошқа корхоналарида ҳам қўллаш таклиф этиди. Бу эса ўз навбатида, бошқарув фаолиятида тезкор қарорлар қабул қилиш жараёнинда ниҳоятда самарали эканлиги аниқланган. Шу билан бир қаторда, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, атроф – муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, миллий иккисодиётда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, чиқиндиларсиз ишлаб чиқариш технологик жараёнларни жорий этиш кабилар соҳа олдидаги долзарб вазифа бўлиб қолипши керак.

IV. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари муаллифнинг қўйидаги нашрларида ўз аксини топган

1. Косимов М.О. Чтобы не слепило глаза. //Частная собственность, Ташкент. №22, 1999 йил, 27 май. Стр.5
2. Қосимов М.О. Бозор муносабатлари шароитида олтин қазиб олиш самарадорлигини ошириш. // "Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт ва маънавиятнинг алоқадорлиги" мавзусида йил октябр ойида бўлиб ўтган Республика илмий – амалий конференция анжуманида чоп этилган. 1 – қисм, Фаргона, 1999 йил, 114 – 117 бетлар.
3. Косимов М.О. Кадровое обеспечение в системе управления горного производства. //Горный вестник Узбекистана. Навои. 2002 . Стр.77-81
4. Косимов М.О., Раммэ В.Ю., Ярошевич В.В. Современное состояние горных работ на Калмакырском руднике. //Горный журнал. Москва. 2002. специальный выпуск. Стр. 56-60.
5. Қосимов М.О. Дунё олтин саноатининг бутуни. //Жамият ва бошқарув журнали., 2002 йил, 2 –сон, 62 – 63 бетлар.
6. Қосимов М.О. Олтин ишлаб чиқариш саноатида бошқарув тизими. //Жамият ва бошқарув журнали. 2002 йил, 4 –сон, 50 – 52 бетлар.
7. Қосимов М.О. Ўзбекистон олтин қазиб олиш саноати ва хориж сармояси. //Жамият ва бошқарув журнали. 2003 йил, 1 –сон, 76 – 78 бетлар.
8. Косимов М.О. Перспективы развития золотодобывающей промышленности Узбекистана. //Шестнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов (26 апреля 2003г.)-М.: изд – во РЭА, 2003. Стр. 65 – 66.
9. Косимов М.О. Вовлеченные в отработку мелких золотоносных месторождений в Узбекистане. //Научно-техническая конференция «Наука и кадры горно-металлургической промышленности». Тезисы докладов (30 апрель 2004г).-Алмалық,2004.Стр.46-49.

Тадқиқотчи:

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қосимов Мухиддин Одиловичнинг 08.00.05. – «Менежмент» ихтисослиги бўйича «Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш» мазуидаги диссертациясинининг

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: олтин, рангли ва қимматбаҳо металлар, саноат, кон, қазиб олиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, бошқариш, бошқарув функциялари, самарадорлигини ошириш, ташкилий фаолият, тактика, стратегия, лизинг, замонавий техника, технология, инвестиция.

Тадқиқот объектлари: Жаҳонда олтин ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган етакчи давлатлар компаниялари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд ер ости фойдали қазимларидан рангли ва қимматбаҳо металлар, жумладан, олтин қазиб олевчи корхоналар, Олмалиқ ва Навоий кон металлургия комбинатлари.

Ишнинг мақсади: бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқарувчи корхоналарда бошқариш ва самарадорликни оширишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш асосида уларни тажомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқищдан иборат.

Тадқиқот методи: илмий изланища иқтисодий, мантиқий, статистик таҳлил, умумлаштириш ва ўзаро таққослаш, дедукция ва индукция усулларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг олтин ишлаб чиқариш масалалари бўйича ижобий тажрибалари умумлаштирилиб, шу асосда республикамиздаги олтин қазиб олевчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тажомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган; олтин ишлаб чиқаришни бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий – иқтисодий жиҳатлари назарий асосланган; олтин ишлаб чиқариш саноати ҳолатининг таҳлили орқали бошқариш тизимини бозор талабларига мувофиқ тажомиллаштириш йўллари белгиланган ва бошқарувнинг янги усуllibарга ўтиши юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган; бугунги кунда фирмалараро алоқаларнинг кенгайиши оқибатида ишлаб чиқаришнинг катта миқёсда бошқарадиган янги бошқарув тури вужудга келаётгандиги аниқланган. Бундай бошқарув – технологияларнинг юксалишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, меҳнат шароитларининг яхшиланишига, ишчилар касбий маҳоратининг ўсишига, самарали глобаллашув эвазига

бозорларнинг кенгайишига ҳамда атроф – муҳит муҳофазасига ва бошқа бир қанча омилларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши аниқланган; олтин қазиб олиш саноатига чет эл инвестицияларини жалб этиш самарадорлиги ўрганилиб, Ўзбекистон олтин қазиб олиш саноатига чет эл инвестицияларини жалб этиш ва саноатни ривожлантириш истиқболлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган асосий назарий ва амалий тавсиялардан амалиётда фойдаланиш республикада қимматбаҳо ва рангли металлар, жумладан, олтин ишлаб чиқариши самарадорлигини сезиларли тарзда ошириш, ишлаб чиқаришнинг бошқариш тизимини такомиллаштириш, ер ости фойдали қазилмаларидан оқилона, унумли фойдаланиш имкониятларини яратади. Тадқиқотдаги хуносалардан республикада ер ости ва очиқ усувларда фойдали қазилмаларни қазиб олувчи ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар самарадорлигини оширишнинг ташкилий жиҳатларини асослашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Навоий кончилик институти, Тошкент давлат техника университети, Олмалиқ давлат кончилик коллежи, ОҚМК, НҚМК ва бошқа кон – саноати ташкилотлари фаолиятида ўтказилган тадқиқотнинг натижаларидан фойдаланиш мумкин.

Баъзи бир назарий қоидалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти» фанини ўқитишда, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодчи мутахассис бакалавр, магистрлар тайёрлашда ўқитилаётган «Корхона ва тармоқлар иқтисодиёти» ва Тошкент давлат техника университетининг махсус курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари олтин ишлаб чиқарувчи корхоналарда бошқариш ва самарадорликни ошириш жараёнларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этиш учун тўлиқ тадбиқ этилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида олтин ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг, қолаверса, миллий иқтисодиётнинг мазкур тармоғи самарадорлигини оширишга олиб келади.

Қўлланиш соҳаси: Тадқиқот натижаларини бевосита табиий бойликлардан қимматбаҳо ва рангли металлар, жумладан, олтин ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида қўллаш мумкин.

Резюме

диссертационного исследования М.О.Косимова на тему:
«Управление и повышение эффективности производства золота в Узбекистане в условиях рыночной экономики» по специальности 08.00.05. – «Менеджмент» на соискание ученой степени кандидата экономических наук.

Ключевые слова: золото, серебро, цветные и драгоценные металлы, промышленность, месторождение, добыча, переработка, производство, управление, функции управления, организационная деятельность, тактика, стратегия, лизинг, повышение эффективности, современная техника, технология, инвестиция.

Объекты исследования: ведущие компании, производители золота в мире, золотодобывающие предприятия, разрабатывающие полезные ископаемые на территории Республики Узбекистан, в частности, Алмалыкском и Навоийском ГМК.

Цель работы: Диссертация посвящена теоретическим и практическим вопросам повышения экономической эффективности золотодобывающей промышленности Республики Узбекистан. Основной целью исследования является разработка научно обоснованных рекомендаций по управлению и повышению эффективности производства в золотодобывающей промышленности Узбекистана в условиях рыночных отношений.

Методы исследования: В ходе исследования были использованы такие методы, как экономический, научная абстракция, экономическая статистика, сравнение, дедукции и индукции.

Полученные результаты и их новизна: Научная новизна, которая выносится на защиту, состоит из нижеследующих положений:

- произведен и обобщен анализ состояния добычи и потребления золота в мире;
- произведен анализ сущности золота, занимаемое место и роль в экономике, а также обоснованное мнение автора по этим вопросам;
- исследована история и современное состояние добычи золота на территории Узбекистана;
- произведен анализ состояния развития золотодобывающей отрасли и ее сырьевой базы;
- предпринята попытка осветить влияние внешних факторов (комплексное использование минерального сырья, техническое перевооружение производства, организация труда, производство и управление) на эффективность производства;
- произведен анализ вовлечения иностранных инвестиций в золотодобывающую промышленность Республики Узбекистан;

- определены основные направления пути совершенствования управления производством и перспективы развития золотодобывающей промышленности Узбекистана.

Практическая значимость: Теоретическое и практическое значения диссертационного исследования заключаются в выдвинутых и разработанных автором концепциях и предложениях. Разработанные концепции научно-технического, организационного и экономического порядка, по мнению автора, позволят увеличить производство драгоценных металлов в республике, повысить производительность труда и другие показатели эффективности производства, повысить эффективность принятых управленческих решений.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования могут быть заложены в основу при разработке научных положений, а также практических мер, направленных на совершенствование управления и повышение эффективности золотодобывающих предприятий с учетом требований рыночных реформ в Узбекистане. Следовательно, это в свою очередь, приведет к росту повышения экономической эффективности золотодобывающих предприятий и национальной экономики в целом.

Область применения: Результаты исследования могут быть использованы непосредственно в сфере деятельности предприятий, разрабатывающих цветные и драгоценные металлы, в частности, добычи, переработки и производства золота.

RESUME
of the dissertation research of M.O.Kosimov in the theme:
“Management and raising the efficiency of gold production in Uzbekistan
in a market economy” (speciality 08.00.05 – “Management”),
submitted for the scientific degree of candidate of economics.

Key words: gold, silver, non-ferrous and precious metals, industry, deposit, quarrying, processing, production, management, management functions, organization activities, efficiency, raising, leasing, tactics, strategy, up-to-date machinery, technology, investment.

Objects of the inquiry: world leading gold producers, gold-mining enterprises exploiting mineral resources in the Republic of Uzbekistan, the Almalik and Navoi Metal-and-mining companies in particular.

Aim of the inquiry: The dissertation is designed for theoretical and practical matters of economic efficiency of the gold-mining industry in the Republic of Uzbekistan. The main aim of this research is to elaborate scientifically grounded recommendations for the management and increase of production efficiency in the gold-mining industry in the Republic of Uzbekistan in a market economy.

Methods of inquiry: methods of economic, statistical analysis, comparison and deductive and inductive analysis.

The results achieved and their novelty: This scientific work has the following innovation:

- the analysis of conditions of quarrying and consuming worldwide has been made;
- the analysis of gold substance and the place it takes in the Republics economy has been made and the authors grounded opinion on these problems has been given:
 - the research of history and present conditions of gold mining in the territory of Uzbekistan has been made;
 - the analysis of development of the gold-mining branch and its raw materials has been made;
 - an attempt to study the effect of external factors (complex application of mineral raw materials, technical re-equipment of production, labour organization, production and management) on the effectiveness of production has been undertaken;
 - the analysis of attraction of foreign investment in gold-mining industry in the Republic of Uzbekistan, as well as Central Asia has been made;
 - the principal ways of perfection of production management and long-term development of gold-mining industry in Uzbekistan has been defined.

Practical value: Theoretical and practical significance of this research consists of the author's ideas and proposals. The scientific-technical, organizational and economic measures elaborated by the author will enable to

increase the production of precious metals in the Republic, to improve labour productivity and other indices of production efficiency.

Degree of introduction and economic effectiveness: The results of the research may be the basis for elaborating practical measures aimed at improving management and raising the efficiency of gold mining enterprises taking into account market reforms in Uzbekistan. This, in its turn, will lead to the increase of economic efficiency of gold mining enterprises national economy at large.

Field of application: The results of the research can be used by enterprises quarrying non-ferrous and precious metals as well as those which quarry, process and produce gold.